



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 184 (11.995)

Баҳоси эркин нарҳда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Икки юз ўқувчига мўлжалланган мазкур иншоот тумандаги «103-ХМКК» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан реконструкция қилинди. Бу ерда машғулотлар ўтказиладиган 14 синфхона, иш кабинетлари, ошхона ва катта концерт зали барпо этилди.

- «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Хоразм вилояти филиалида мазкур тармоқни янада ривожлантириш ва унинг истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мазкур тизимга кирувчи корхона ва муассасалар, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

- Наманган шаҳрида 1-фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлимининг тубдан янгиланган биноси фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга «Бахт уйи» замонавий мебель ва зарур техник ускуналар билан таъминланди. Эндиликда бу муассасада никоҳ ва бошқа фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш билан биргаликда ёшлар ўртасида эрта турмуш қуриш ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиш учун ҳам кенг имконият яратилди.

- Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ахборот олиш борасидаги эркинликларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, сўз эркинлигини таъминлашга доир концептуал вазифалар ва уларни бажаришнинг устувор йўналишлари, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

- Куба ва Эрон икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ниятида эканлигини маълум қилди.

- Кеча Германиянинг ғарбий қисмида 4,2 балли зилзила содир бўлди.

- АҚШ Президенти Барак Обама мамлакатдаги мавжуд иш ўринларини қисқартирмаслик мақсадида 447 миллиард доллар маблағ талаб этадиган режани таклиф қилди.

- Ярославль областида ҳалокатга учраган Як-42 самолётида бўлган 43 кишининг жасади топилди, 2 киши эса омон қолди. Ҳаётдан кўз юмган 35 кишининг шахси аниқланди.

- «Локомотив» хоккей командасининг ҳалокати муносабати билан Ярославлда мотам куни эълон қилинди.

- Жаҳон бозорларида нефтнинг нархи 4 фоизга кўтарилди.

- АҚШда 91 кишидан иборат фирибгар шифокор ва ҳамширалар гуруҳининг кирдикорлари фош этилди. Улар кўрсатилмаган хизматлар учун қалбаки ҳисоблар ёзиб, кекса ва ногиронларни тиббий суғурталаш фондидан 295 миллион долларни ўзлаштирганликда айбланмоқда.

- Исроилда «миллионлар юриши» норозилик тадбири бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари бензин, уй-жойлар ва озиқ-овқатларнинг нархи туширилишини ҳукуматдан талаб қилмоқдалар.

## «AFROSIYOV» ПОЕЗДИДА САМАРҚАНД САЁҲАТИ

«Afrosiyov» тезюрар поездида бир гуруҳ отахону онахонлар Самарқанд зиёратига бориб келдилар.

Ватанимиз давлат мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида Тошкент – Самарқанд йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyov» электропоездлари қатнови йўлга қўйилгани халқимизга муносиб тухфа бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мазкур поездда бир гуруҳ юртдошларимизнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Нуруний отахону онахонлар, маҳаллалар фаоллари, кам таъминланган оилалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари «Afrosiyov» электропоездининг навбатдаги йўловчилари бўлдилар.

Тошкент темир йўл вокзали. Поездга чиқаётган нуруний отахону онахонларимиз бир гапни қайта-қайта такрорлайди: Элу юртимиз доимо тинч бўлсин. Истиқлолимиз абадий бўлсин. Шу кунларга етказганига шукр!

Ҳа, бир пайтлар соатига 250 километр тезликда ҳаракатланадиган бундай замонавий поездларда сайру саёҳат қилишни ким ҳам хаёлига келтирибди дейсиз. Мустақиллик йилларида, қисқа даврда ана шундай муваффақиятга эришишимиз халқимизнинг улкан ютуқларидан биридир.



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори мамлакатимиз темир йўл транспорти ҳам изчил ривожлантирилмоқда. Минглаб километр янги темир йўллар барпо этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари яхлит транспорт-коммуникация тизимига боғланди.

Тошкент – Самарқанд, Тошкент – Бухоро, Тошкент – Қарши йўналишларида «Registon», «Sharq» ва «Nasaf» тезюрар поездларининг қатнови йўлга қўйилди. Тошкент темир йўл вокзали ва бошқа шаҳарлардаги вокзаллар қайта реконструкция қилинди, таъмирланди, янгилари барпо этилди. Халқаро ва маҳаллий йўналишларда қатновчи поездларда кўрсатилаётган хизматлар сифати замон талаблари даражасига кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатновининг йўлга қўйилиши транспорт, хусусан, темир йўл соҳасини ривожлантириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида янги даврни бошлаб берди. «Afrosiyov»нинг тезлиги, қулайлиги ва ишончилиги барчанинг эътиборини тортмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

## ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

**Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номланиши ва яратилаётган имкониятлар тадбиркор ҳамда ишбилармонларни янги-янги изланишларга ундамоқда. Айниқса бунинг Истиқлолимизнинг 20 йиллиги нишонланадиган йилга тўғри келиши эл-юрт фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилишга бел боғлаган тадбиркорларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.**

Мамлакатимиз иқтисодийетини ривожлантиришда муҳим ҳисса қўшаётган «SIMAKX – PARS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳозирда поролон маҳсулотлари тайёрлаш бўйича юртимизда етакчи корхоналардан саналади. 2005 йилда ташкил топган корхонада ҳозирда 10 хилдан ортиқ поролон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, ўрин-кўрпа, одеял, ёстиқ, матраснинг ҳар хил турлари сифати, харидор-гирлиги билан ажралиб туради.

— Корхона цехлари Хитой ва Россиядан келтирилган замонавий технологик линиялар билан жиҳозланиб, уни бошқарувчи мутахассисларнинг малакаси оширилди, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Мурод Маҳкамов. — Натижада ишлаб чиқариш ҳажмининг бир неча баробарга ошишига эришилди. Буюртмага кўра маҳсулот турлари ҳам кўпайди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган Россия технологияси асосидаги юқори сифатли поролон маҳсулотлари

сертификатланган бўлиб, нархи ҳам харидор талабига тўла жавоб беради. Маҳсулотларимиз асосан ички бозорда сотилади. Утган йили корхонада 400 тонна поролон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Улар юмшоқ мебель тайёрлашда, спорт ва тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқаришда, автомобиллар ўриндиқларида ва маиший соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Айни пайтда корхона тадбиркорлари янги лойиҳаларни амалга ошириш устида изланишмоқда. Корхонада ярим йилликда 200 тоннадан ортиқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга тарқатилди. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан қутиб олган корхона ишчилари келгусида маҳсулот турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратишни режалаштирмоқдалар.

Дилором ИКРОМОВА  
Козим Ўлмасов олган сурат

**Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Нарру Сагавап» халқаро турнири якунланди.**



## ТОШКЕНТ – ЖАҲОН БАДИЙ ГИМНАСТИКА МАРКАЗИ



Пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида уч кун давомида спортнинг энг нафис, гўзал ва санъатга яқин турларидан бири – бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Нарру Сагавап» халқаро турнири бўлиб ўтди. Мусобақалар Халқаро гимнастика федерацияси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Мусобақалар қизгин, кес-

кин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Чунки уларда дунёнинг 18 мамлакатидан энг кучли 28 нафар спортчи, шунингдек, кўплаб истеъдодли ёш гимнастикачи қизлар иштирок этди. Турли бадий гимнастика мактаблари ва килалари бўлган ушбу спортчи қизларнинг барчаси тасма, ҳалқа, тўп ва булавада машқ бажариш бўйича бор иқтидори, маҳорати ва тажрибасини, мусиқа ва оҳангни ҳис қилиш қобилиятини намойиш этди. Мусобақалар

дастуридан кўпкураш – яқалик ва гуруҳ беллашувлари ҳамда айрим гимнастика турлари бўйича финал машқлари жой олганди.

Гимнастикачи қизларнинг гиламдаги энгил, чаққон ва нозик ҳаракатлари томошабинларга завқ бағишлади. Беллашувлар бадий гимнастиканинг барча ихлосмандлари учун ҳақиқий ёшлик, гўзаллик ва спорт байрамига айланди.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Босма оммавий ахборот воситаларининг аҳолига арзон ва тез етиб боришида белгиланган чора-тадбирлар, муаммо ва ечимлар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг намунали авиакоридор» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Тошкент иссиқлик маркази»да мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуман Мавнавият тарғибот марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан уюштирилди.

## «AFROSIYOV» ПОЕЗДИДА САМАРҚАНД САЁХАТИ


(Давоми.)

Боши 1-бетда)

«Afrosiyov» поездида йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган, — дейди ЎзА мухбирига Тошкент вилояти Кибрай туманида яшовчи Хурсаной Шералиева. — Айниқса, йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар, мўтадил ҳарорат барқарор таъминланиши бизга жуда маъқул бўлди. Салонлар қулай ва юмшоқ ўриндиқлар, видео мониторлар билан жиҳозланган. Поезд ойналари йўловчиларни шовқиндан ва қуёш нуридан ҳимоя қилади. Йўловчилар кийим ва юкларини, аввалгидек қўлида опичлаб ўтирмайди, бунинг учун алоҳида жойлар мавжуд. Ходимларнинг кийиниши, муомала маданияти ҳам йўловчиларга кўтаринки қайфият бағишлайди. Бундай замонавий поездларда юрган юртдошларимиз мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда инсоннинг қадри мисли кўрилмаган даражада кўтарилганини янада чуқурроқ англаб етиши аниқ.

Матбуотда «Afrosiyov» электропоезди тақдироти бағишланган маросим иштирокчиларининг фикрларини ўқиб, бир жиҳат эътиборини тортиди. — дейди тошкентлик Назира Косимова. — Кўпга давлатлар темирйўлчилари юртимизнинг бу соҳадаги ютуқларига тан берди, ҳавас қилди. Бундай замонавий поездлар дунёда бор-йўли сакизтагина давлатда бор экан. Истиклолимиз туғайли Ўзбекистон ана шундай илгор мамлакатлар сафидан жой олаётгани ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

...Поезд қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига етиб келди. Бу ерда меҳмонлар қарнай-сурнай садолари, гуллар




билан қутиб олинди. Улар юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар қатновини ташкил этиш лойиҳаси доирасида Самарқанд темир йўл вокзалида амалга оширилган кенг қўламли ишлар, йўловчилар учун яратилган қулайликлар билан танишди.

Меҳмонлар Амир Темур қабараси, Улугбек расадхонаси, Регистон, Шохи Зинда ва Имом Бухорий мажмуаларини зиёрат қилди. Бу масканларда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини мамнуният ва шукроналик билан тилга олдилар. Тўқин дастурхон атрофида дилдан сўхбатлашдилар.

Юртбошимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида халқимизнинг миллий-диний қадриятлари қайта тикланди, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов. — Буюк алломаларимиз, азиз авлиёларимиз қадамжолари обод, рухлари шод этилди. Бугун ушбу масканларга ташриф буюрган юртдошларимиз ўзлари учун қатта руҳий мадад, маънавий қў-қувват олмоқда. Халқимиз қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бетакрор мероснинг вори-си эканини янада теранроқ ҳис этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси бо-



лан ташкил этилган Имом Бухорий халқаро маркази юртимиздан етишиб чиққан алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, шунингдек, дин соҳаси ходимларининг малакасини ошириш, мамлакатимизда ислом маърифатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

...Самарқанддан йўлга чиққан поезд икки соат ўтар-ўтмас Тошкентга кириб келди. Сафаримиз давомида ким билан сўхбатлашмайлик, барча ушбу тарихий воқеанинг гувоҳи, замонавий электропоездининг илк йўловчиларидан бири бўлганидан бахтиёр эканлигини тўқинлашиб сўзлади.

Мамлакатимизда юксак технологияли, юқори тезликдаги поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш борасида дастлабки қадам қўйилди. Яқин келажакда Бухоро, Қарши ва Термиз шаҳарларига ҳам ана шундай тезорар поездлар қатновини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бу Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда темир йўл транспортини ривожлантиришга, халқимизга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини юксалтириш ва уни энг ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш йўлида кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги самараларидандир.

Анвар САМАДОВ

(Давоми.)

Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде, барча эзгу ниятларимиз замирида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажagini кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир. Тарихан қисқа вақт, яъни йигирма йил мобайнида мамлакатимизда бу борада кенг қўламли туб ўзгаришлар амалга оширилди. Ваҳоланки, бошқа давлатлар бундай ишларни амалга



оширишга юз йилдан кўпроқ вақт сарфлаган эди. Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмасдан, кўпга йўналишлар — иқтисодиёт, илм-фан, маданият, маънавият ва албатта, спортни ривожлантиришда улкан муваффақият ва тарққийетимизни намойиш этмоқдамиз.

Спорт шундай соҳалардан биридир. Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки кунларидан уни ривожлантиришга қатта эътибор қаратиб келмоқда. Мамлакатимиз аҳолиси, айниқса болалар ва ёшларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан фаол шугулланишга оммавий жалб қилиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентимизнинг фармонида мувофиқ Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди. Мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», талабаларнинг Универсиада спорт ўйинларини ўтказиш бўйича ноёб тизим шакллантирилди ва бугунги кунда у ўзининг юксак самараларини бермоқда. Натижада ҳозир мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод — биринчи синф ўқувчиларидан то талабаларгача спорт билан шугулланмоқда. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Миллат саломатлиги, биринчи навбатда аёллар ва бўлажак оналар — қизларга боғлиқ. Шу сабабли мамлакатимизда катин-қизлар спортини жадал ривожлантирилмоқда. Мунтазам ўтказиб келинаётган хотин-қизлар спартакиадаларида нафақат спорт билан мунтазам шугулланаётган, балки турли соҳаларда меҳнат қилаётган аёллар ва қизлар, уй бекалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Спорт билан шугулланиш жисмонан ва маънан чиниктирибгина қолмай, балки характер, ирода, ғалабага бўлган ишонч, бир сўз билан айтганда, ҳар бир инсонга хос зарур фазилатларни шакллантиради.

Бадий гимнастика спортнинг энг нафис ва гўзал турларидан ҳисобланади. Ўзбекистон гимнастика федерацияси ушбу спорт турини оммалаштириш, гимнастикачиларнинг спорт маҳоратини янада юксалтириш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Мамла-

катимизда ўтказиб келинаётган ҳудудий ва республика мусобақаларида улар ўз салоҳиятини ривожлантирмоқда, иқтидорли ёш спортчи қизлар қилиб этилмоқда. Барча ҳудудларда бадий гимнастика мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Уларда тажрибали ва юқори малакали мураббийлар меҳнат қилмоқда.

Баркамол ёш авлодни тарбиялашга қаратилган ушбу хайрли ишлар ўзининг юксак сам-

## ТОШКЕНТ — ЖАҲОН БАДИЙ ГИМНАСТИКА МАРКАЗИ

раларини бермоқда. Ўзбекистонлик спортчилар кўпга нуфузли халқаро мусобақалар, Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатларида кўлга киритаётган ғалабалари билан мамлакатимизнинг салоҳияти қанчалик юксаклигини қайта-қайта исботламоқда.

...Пойтахтимизда ўтган бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари якунланиб, энг ҳаяжонли дамлар — голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошлади. «Универсал» спорт саройининг байрамо-на безатилган сахнасида барча иштирокчилар кириб келди. Голиблар номи эълон қилинади. Кўпқураш мусобақалари якунларига кўра, биринчи ўрин россиялик спортчи Дарья Дмитриевага берилди. Жаҳон кубоги босқичининг қумуш медалига россиялик Александра Меркулова, бронза медалига эса беларуслик Любова Черкашина сазовор бўлди. Ўзбекистонлик Уляна Трофимова тўртинчи ўринни кўлга киритди. Айни пайтда, у турли спорт предметларида машқ бажариш бўйича юксак маҳоратини намойиш этиб, булавада машқ бажариш натижалари бўйича иккинчи, тасмада машқ бажариш бўйича финал беллашувларида эса учинчи ўринни эгаллади.

Яна бир муҳим беллашув — Халқаро гимна-

стика федерацияси шафелигида ўтказилган ўсмирлар ўртасида «Happy Sagavan» халқаро турнирида иштирок этган ёш спортчиларимиз ҳам ўз маҳорат ва истеъдодини намойиш қилди. Кўпқурашда биринчи ўрин россиялик Юлия Синицинага берилди. Хамюртимиз Анастасия Сердюкова қумуш медални кўлга киритди. Айни пайтда у тасмада машқ бажариш бўйича биринчи ўринни эгаллади. Ўсмирлар ўртасидаги кўпқурашда учинчи ўрин беларуслик Елена Болотинага насиб этди.

Халқаро гимнастика федерацияси Техник қўмитаси вице-президенти, мусобақалар бош ҳаками Н.Кузьмина бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақаси ва «Happy Sagavan» халқаро турнирини ёпиқ деб эълон қилди. У мусобақаларни юксак савияда ташкил этгани учун Ўзбекистон гимнастика федерациясига алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Барча мусобақалар якунига кўра бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги Россия Федерацияси жамоасига топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Навбатдаги спорт, нафосат ва гўзаллик байрами ниҳоясига етди. Спорт оламида қатта воқеага айланган ушбу байрамда кўпга янги номлар қашқ этилди. Бадий гимнастика мутахассислари ва ихлосмандларининг фикрича, мусобақалар ҳақиқий олимпиа руҳида, халқаро қоидаларга мувофиқ, чинакам қураш муҳитида ва адолатли тарзда ўтди.

Тантанали маросим гимнастикачилар ва мамлакатимиз санъат усталари иштирокидаги концерт билан якунланди.

Мусобақаларнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов иштирок этди.

Анна ИВАНОВА,  
ЎзА мухбири  
Аъло Абдуллаев,  
Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар

Иқтисодиёт

## САМАРАДОРЛИК ОРТМОҚДА

Корхоналарни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ишларининг амалга оширилиши бозор талаблари асосидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этишда, ички ва ташқи бозорда ўрин топишда муҳим аҳамият касб этади.

Янги лойиҳаларни амалга оширишда ҳам замонавий технологик жиҳозларнинг ўрни алоҳида бўлиб, уларнинг қувватидан самарали фойдаланиш кўзлангана натижага эришиш имкониятини яратди. Россиялик шериклар билан ҳамкорлик асосида фаолият юритаётган «Ирригация бўйича бош махсус конструкторлик бюроси» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонада ҳам йил сайин ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари ортиб бормоқда. Малакали мутахассислар жамланган жамоада ўнлаб янги иш ўринлари яратилляпти.

Корхонада илгор технологиялар асосида ишлаб чиқаришга татбиқ этилган янги лойиҳа — алюминий-пластик қувурларга бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан буюртмалар тушмоқда. Мазкур сифатли ва чидамли, ўзига хос афзалликларга эга қувурлардан халқ ҳўжалиги тармоқларида муваффақиятли фойдаланилмоқда. Яна бир эътиборли томони эса 2008 йилгача мазкур қувурлар учун хом ашё четдан келтирилган бўлса, эндиликда маҳаллий хом ашёдан фойдаланилляпти. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажми ортишида муҳим роль ўйнайди.

Пахтани қайта ишлаш асосида тайёрланаётган калава ип ва ундан ишлаб чиқарилаётган қўлқоплар турли соҳа ходимларига мўлжалланган. Юқори унумли дастгоҳ асосида йилга 11 миллион жуфт ана шундай иш қўлқоплари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Энг асосийси эса мазкур маҳсулотнинг хорижий давлатларга экспорт қилинаётганидир.

Яна бир янги лойиҳа эса ўтган йилда амалга ошди ва рақобатбардор чўян радиаторлар ишлаб чиқарила бошланди. Келгусида эса ушбу йўналиш бўйича ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшимча иш ўринларини кўпайтириш режалаштирилган. Шу билан биргаликда янги лойиҳалар устида изланишлар давом этмоқда.

## СИФАТИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Маҳсулот сифатига қаратилган

эътибор харидор талабини қондиришда, бозорда муносиб ўрин топишда муҳим ўрин тутди.

Шу боис ҳам мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибордан унумли фойдаланаётган, ривожланиш йўлида дадил оидимлаётган тадбиркорларимиз бозор ва харидор талаби асосида иш юритмоқда. Бунинг учун эса энг илгор дастгоҳ ва ускуналардан фойдаланилмоқда, кадрлар малакасини оширишга, хом ашё сифатига эътибор берилмоқда.

— Сифатга қаратаётган эътиборимиз боис буюртмачиларни жалб эта олаёмиз, — дейди «ALAN-TAILOR» масъулияти чекланган жамияти директори Андрей Алимов. — Цехларимизга ўрнатилган дастгоҳларимиз замонавий, юқори унумли бўлгани учун маҳсулот сифатини таъминлашда бизга қўл келади. Турли соҳа ходимлари учун махсус иш кийимлари ва униформалар тайёрлаймиз. Моҳир дизайнерларимиз ҳар бир буюртмачи ташкилот, корхона ва муассасанинг талаби, тақлифи асосида моделлар яратишади. Маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланишимиз туғайли тайёр маҳсулот таннархи арзонлашувига эришаёмиз. Бу буюртмачиларимизга ҳам қўл келмоқда. Шунингдек, биз яққа тартибдаги буюртмаларни ҳам сифатли адо этаёмиз.

Хозирги пайтда 11 нафар малакали мутахассис жамланган жамоада яқин келгусида ишчилар сафини 50 нафарга етказиш режалаштирилганки, бу буюртмалар ортаётганидан, имкониятлар ишга солинаётганидан далолатдир. Шу ўринда маҳоратли чеварлар Раъно Каримова, Юлия Самаркина, Гузал Мансурова, Ирина Катковаларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозимки, улар ўз ишларида сифат ва тезкорликни биринчи ўринга қўйишади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг ўтган ярмини муваффақиятли якунлаган кичик корхона жамоаси 60 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлди. Шунингдек, улар очган фирма дўкони ҳам иш бошлади. Бу ерда харидорларга қулайликлар яратилганлиги, маҳсулот моделлари мавжудлиги буюртмалар ортисига хизмат қилиши, шубҳасиз.

## БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Импорт ўринни босувчи бутловчи қисмларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани транспорт воситаларини таъмирлашда, соғлигини таъминлаш, бир маромда ишлашида қатта рол ўйнайди.

Ана шундай эҳтиёт ва бутловчи қисм ва деталларнинг 400 хилдан зиёди «TRANS SHAB» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, уларнинг 80 турдан ортиғи четдан келтириладиган худди шундай бутловчи қисмлар ўринни босади. Улар айни пайтда транспорт воситалари соғлигини таъминлашда кенг қўлланилмоқда.

Талаблардан келиб чиққан ҳолда кейинги йилларда корхонада «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар ва темир йўл йўловчи вагонлари учун ҳам бутловчи деталлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда корхонанинг мазкур маҳсулотларига корхона, ташкилот ва муассасалардан буюртмалар тушмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтирмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА



ЖУМА, 16 СЕНТЯБРЬ, АССТРАЛ

(Давоми. Боши 3-бетда). Россия 04:00 «Утро России»...

14:40 «Ош бўлини» 15:25 Миллий сериал: «Хайт жингаларин»...

02:35 «Бир ўлка-ки» 02:50 «Оптин мерос» 03:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

08:20 Главная дорога. 08:55 Түнийарий подинок с Оскармурод Кунерой...

Россия 04:00 «Утро России» 08:05 «О новом домом»...

14:40 «Ош бўлини» 15:25 Миллий сериал: «Хайт жингаларин»...

02:35 «Бир ўлка-ки» 02:50 «Оптин мерос» 03:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

08:20 Главная дорога. 08:55 Түнийарий подинок с Оскармурод Кунерой...

Россия 04:00 «Утро России» 08:05 «О новом домом»...

14:40 «Ош бўлини» 15:25 Миллий сериал: «Хайт жингаларин»...

02:35 «Бир ўлка-ки» 02:50 «Оптин мерос» 03:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

08:20 Главная дорога. 08:55 Түнийарий подинок с Оскармурод Кунерой...

Россия 04:00 «Утро России» 08:05 «О новом домом»...

14:40 «Ош бўлини» 15:25 Миллий сериал: «Хайт жингаларин»...

02:35 «Бир ўлка-ки» 02:50 «Оптин мерос» 03:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

08:20 Главная дорога. 08:55 Түнийарий подинок с Оскармурод Кунерой...

Россия 04:00 «Утро России» 08:05 «О новом домом»...

14:40 «Ош бўлини» 15:25 Миллий сериал: «Хайт жингаларин»...

02:35 «Бир ўлка-ки» 02:50 «Оптин мерос» 03:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

08:20 Главная дорога. 08:55 Түнийарий подинок с Оскармурод Кунерой...

Россия 04:00 «Утро России» 08:05 «О новом домом»...

14:40 «Ош бўлини» 15:25 Миллий сериал: «Хайт жингаларин»...


02:35 «Бир ўлка-ки» 02:50 «Оптин мерос» 03:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

08:20 Главная дорога. 08:55 Түнийарий подинок с Оскармурод Кунерой...

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз истеъмоли сифатда хонадонларимизга етказиб бериладиган совуқ ва иссиқ сув, газ, электр қураётдан беминнат фойдаланамиз...

27 Август



Касса. Тел.: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23, 244-35-09. www.sirk.uz

Тошкент шаҳрида 10 сентябрь куни ҳаво бироз ўзариб туради, ёттигарчилик бўлмайд...

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65...